# Оталар сўзи – ақлнинг кўзи

82.3
О86

# Оталар сўзи – ақлнинг кўзи

*Ҳикматли сўзлар*

6036

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
1-FILIALI

ТОШКЕНТ
«O'ZBEKISTON»
2016

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

УЎК 398.5
КБК 82.3(5Ў)
О 86

Тўплаб нашрга тайёрловчилар:
*Ҳоди Зарифов,*
*Абдуллахон Хўжахонов,*
*Аҳмадхон Хўжахонов*

ISBN 978-9943-28-680-1

© Ҳ. Зарифов ва бошқ., 2016
© «O'zbekiston» НМИУ, 2016

## «ОНА ЮРТИНГ ОМОН БЎЛСА, РАНГИ-РЎЙИНГ СОМОН БЎЛМАС»

Бу ажойиб ҳикматли сўз. Бу – ватанпарвар халқнинг ўлмас бадиий ижоди.

Халқ ҳаёт учун курашда ўз тажрибалари, ўз онгида пайдо бўлган фикр ва туйғуларнинг хулосаларини мақоллар билан ифодалаган. Улар қисқа жумлали, ихчам, маънодор ва ибратлидир. Мақоллар сўзлашув ва ёзма нутққа узвий равишда боғланиб кетганлиги билан фольклорнинг бошқа ҳамма турларига нисбатан алоҳида ўрин тутади. Донишмандлар фикрни жуда қисқа жумлаларга йиғиштириб, нутқни мўъжаз ҳам маъноли ифодалашни мақоллардан ўрганишни тавсия қилганлар. Мақоллар халққа ва жаҳон адабиётининг улуғ ёзувчиларига кўп озиқ берган. Бадиий адабиётда ном қозонган адиблар ўзларининг фалсафий фикрларини мақоллар билан безаганлар, халқни юксалишга томон етаклашда ундан фойдаланганлар. Халқ мақоллари хазинасига ўз ҳиссаларини ҳам кўшганлар.

Мақолларнинг сермаъно, ҳаётий, халқчил, ихчам ва айтилишга осон (талаффузи осон)

бўлиши уларнинг кенг тарқалишини, эсда мустаҳкам ўрнашиб қолишини ва узоқ яшашини таъмин этган. XI асрнинг буюк олими Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит-турк» («Турк луғатлари тўплами») номли асарига кирган «Эр сўзи – бир», «Экмагунча унмас», «Эмгак экинда қолмас» каби кўплаб мақоллар ҳозир ўзбекларда айнан ёки бироз ўзгарган шаклда халқ тилида ишлатиладики, бу факт мақолларнинг узоқ умрини кўрсатувчи далиллардан биридир. Мақолларнинг Маҳмуд Кошғарий замонидан илгари борлиги шубҳасиз бўлганидек, мақол ижод этиш ундан кейинги даврларда ҳам яратилиб келинмоқда.

Келиб чиқиши эътибори билан турли даврларнинг адабий маҳсули бўлган мақолларнинг ғоявий мазмуни, ижтимоий аҳамияти бир хилда бўлмаган, албатта. Зеро, жамиятда кишиларнинг дунёқараши ва ўз манфаати талаби билан ижод этилган мақолларнинг қарама-қарши бўлиши табиий.

Мақолларнинг ғоявий мазмунини тўғри тушуниб, тўғри фойдаланишнинг тарбиявий аҳамияти жуда катта. Шунинг учун ҳам инсоннинг олижаноб фазилатларини улуғлаган, кишилик тараққиётига хизмат қилган мақолларнинг мазмуни халқимиз томонидан чуқур-



рок англашилмоқда, қиммати ортмоқда ва халқ ўртасига ҳар қачонгидан кўра кўпроқ ёйилмоқда.

Мақоллар инсонни ҳақиқий инсон бўлишга чақиради. Мақоллар меҳнатни севиш, илмли, ҳунарли бўлиш, ишнинг кўзини билиб, ҳар ишни ўз вақтидан кечиктирмай бажаришнинг фойдасини таъкидлайди. Яхши билан ёмонни, дўст билан душманни ажрата билишга ўргатади. Дўстлик, бирлик, меҳр ва муҳаббатни, Ватанни севиш, одамларга меҳрибон ва ғамхўр бўлиш фазилатини улуғлайди. Ҳақ ва адолатни юксак даражага кўтаради. Мард ва ботир бўлишга ундайди. Ватанни ёвлардан қўриқлаш, жангда жонни ҳам аямай, мардона курашнинг муқаддас ва шарафли вазифа эканлигини тараннум этади:

*«Ёвни аяган яра ер,*
*Калтагини сара ер».*

*«Душманга омон берма».*

Ўқувчиларга тақдим этганимиз бу кичкинагина тўплам халқимиз яратган ҳикматли сўзлар уммонидан бир томчи, холос. Биз бу мақолларни қўлимизда бор бир неча минг мақолдан териб олдик ва уларни мазмунига қараб бир тартибга тиздик ҳамда ҳар қайси бўлимда бир мақолни

сарлавҳа ўрнида ишлатдик. Китобнинг номини ҳам мақол билан атадик. Шуни эслатиб ўтамизки, бу тартиб ўзбек мақолларининг том маъноси билан илмий таснифи эмас, албатта. Бу тўпламни кенг ўқувчилар оммаси учун тайёрлаганимиз сабабли илмий таснифни биринчи ўринда тутмадик. Мақолларимизнинг тўлиқ тўпламини тузиш ва уларни илмий тасниф этиш навбатдаги муҳим илмий ишлардан биридир.

***Ҳоди Зариф***

## ЮРТ ҚЎРИСАНГ, ЎЗАРСАН

Она юртинг омон бўлса,
Ранги-рўйинг сомон бўлмас.

Ватаннинг вайронаси –
Умрнинг ғамхонаси.

Юрт қўрисанг, ўзарсан,
Қўримасанг, тўзарсан.

Юрт қўри, элинг ўсар,
Қўримасанг, уйинг тўзар.

Тегра тошинг ёв бўлсин[1],
Уйинг ичи сов[2] бўлсин.

Еридан айрилган, етти йил йиғлар,
Элидан айрилган, ўлгунча йиғлар.

Юртдан айрилганни ёв чопади.

Юртдан чиқсанг ҳам, элдан чиқма.

[1] «Бўлса ҳам» маъносида.
[2] *Сов* – соғ.

Эл билан кесилган бармоқдан қон чиқмас.

Эр йигитнинг қадрини,
Оғаси эмас, эл билур.

Халқ тинчлигини бузган омон қолмас.

Қоматига ишонган,
Қаддин букиб кетади.
Кўпчиликка ишонган,
Тилагига етади.

Лашкарбоши уста бўлса, душман оёғи осмонда.

## ЁВНИ АЯГАН, ЯРА ЕР

Уруш бўлса, туриш йўқ.

Тош қаттиқми, бош.

Кулни ўз кўмачинг устига тортма.

Қилганга қил.

Нолиш билан иш битмайди,
Мард номардга тиз чўкмайди.



Кучинг бўлса, синаб чиқ,
Йиқилишга йўл қўйма.

Душманга бўйин эгма.

Душманга омон берма.

Ёвдан қўрққан – ёвга дўст,
Элни суйган – эрга дўст.

Ёвни аяган, яра ер,
Калтагини сара ер.

Қасд қилган ўзар,
Ҳасад қилган тўзар.

Ғайрат қилган, тоғни кесар,
Ғайрат темирдай арқонни узар.

Тортишган – эр,
Тортишмаган – қора ер.

Ер овлоқ бўлса, тўнғиз тепага чиқади.

Ёвнинг келди-кетдиси ёмон.

Сен қўрқмасанг, ёв қочар.

Ётиб қолгунча, отиб қол.

Сен бўрини аясанг, бўри сени талайди.

Эр – тилаган ерда азиз.

Нор йўлида юк қолмас.

Ёвнинг тишида бўлма, ичида бўл.

Кемага чиққаннинг жони бир.

Ботир – ёвда билинади,
Сўзчи – довда.

Совут кийиб маъракада жон берган,
Кетмон уриб, кеча-кундуз нон берган.

Ёғ еганда ёт яхши,
Қон ичганда – қариндош.

Эл сенга этса надомат,
Дунёда туролмассан саломат.

## НОМАРДНИНГ ЖОЙИ ЖАҲАННАМ

Юз номард, бир марддан садақа.

Юз номарддан юз қайтар,
Бир мардни ҳар ким мақтар.



Номарднинг жойи жаҳаннам.

Ё эр бўл, эр бўлмасанг, қора ер бўл.

Бош ёрилса, бўрк ичида,
Қўл синса, енг ичида.

Кўз қўрқоқ, қўл ботир.

Илигинг қуриса ҳам илдам юр.

Отаси урмаган қўнғизни,
Боласи урар тўнғизни.

Арслоннинг ўлиги,
Сичқоннинг тириги.

Оғочнинг юмшоғини қурт ер.

Осилсанг, баланд дорга осил, оёғинг ерга тегмасин.

Йигит келса, ишга,
Қари келса, ошга.

Эрга – навбат,
Шерга – навбат.

Эчки бўлса, қўйга йўл очилади.

Минг ишчига бир бошчи.

Бир нўноқни бир эпчил эплайди.

Битмас ишнинг бошига,
Ботир келур қошига.

Бузилган ишни ботир тузар.

Ботир топса, барча ер.

Қўрқоқ аввал мушт кўтарар.

Ура билмаган, катта таёқ кўтарар.

Эчкининг ажали етса, қассобни сузади.

Сичқоннинг ўлгиси келса, мушук билан ҳазиллашади.

Илон чаққан ола арқондан қўрқар.

Чумчуқдан қўрққан тариқ экмас.

Бўридан қўрққан тўқайга кирмас.

Аяган кўзга чўп тушар.

Қўрқоққа қўша кўринади.



Ботирнинг мушти ҳам ярок.

Минг қарғага бир кесак.

Кўрни – кўр билади,
Зўрни – зўр билади.

От тепкисини от кўтарар,
Той тепкисин той кўтарар.

Душманинг сичқонча бўлса ҳам, кучинг арслонча бўлсин.

Арслон боласи арслон бўлади.

Ўттизида эр атанган,
Қирқ ёшида шер атанар.

Ўн бир ёндан, юз бир ёндан – ботир юрар майдондан.

Эр бошига иш тушса,
Этик билан сув кечар.
От бошига иш тушса,
Сувлиқ билан сув ичар.

Ёв қочса, ботир кўпаяр.

Иш битгандан кейин насиҳатчи кўпаяр.

Йигит сўзидан, арслон изидан қайтмас.

Эрнинг сўзи битта.

## БИРЛАШГАН ЎЗАР

Дўстсиз бошим – тузсиз ошим.

Ёлғиз отнинг чанги чиқмас,
Чанги чиқса ҳам донги чиқмас.

Қарс икки қўлдан чиқар.

Икки ярим – бир бутун.

Бирдан – икки яхши,
Иккидан – уч яхши.

Икковга – биров ботолмас[1]
Отлиққа яёв етолмас.

Шериклашиб ишлаганнинг юраги шердай бўлади.

Олтовлон ола бўлса,
Оғзидагин олдирар.
Тўртовлон тугал бўлса,
Унмаганни ундирар.

[1] Ботинаолмас.



Бирлашган ўзар,
Бирлашмаган тўзар.

Айрилганни айиқ ер,
Бўлинганни бўри ер.

Тўдадан ажраган тўрга тушар.

Қатордан қолгунча хатардан қол.

Уюр қўйдан бўри ҳам қўрқар.

Кемали келса, қайиқли қочар.

Кўплашган – ёвни қайтарар.

Қирқ уй қуда бўлса, қирғин келмас.

Оз йиртиққа ямоқ бўлмас, тешикка тиқин бўлмас.

Ип ингичка еридан узилади.

Йўғон чўзилар, ингичка узилар.

Чивиқ тутган еридан синмайди, эгилган еридан синади.

Ҳарна ғавғо келса, кўпликдан келур,
Ранжу меҳнат – якка, йўқликдан келур.

Кўп оғиз бир бўлса, бир оғиз бўлади.

Кўпга кесак отма.

Кўпчилик бир муштдан урса – ўлдиради, бир бурдадан берса – тўйдиради.

Кўпдан қуён қочиб қутулмас.

Эл тупурса, кўл бўлур,

Кўпда карам бор.

Ҳовли олма, қўшни ол.

Элдан эл кетса – меҳнат,
Элга эл қўшилса – давлат.

Қўшни келди – қўмак келди.
Эт келди – суяк келди.

Қўшнинг тинч, сен тинч.

Қиёмат куни қўшнидан.

Дўст кенгашда билинади,
Семиз – тобоқда.



Гилам сотсанг, қўшнингга сот, бир четида ўзинг ўтирасан.

Бир кўрган – таниш,
Икки кўрган – билиш.

Йўлга чиқсанг, йўлдошли чиқ.

Ошнанг – белбоғинг.

Оёқ чарчаса, таёқ ярайди.

Арғамчига қил – қувват.
«Ҳайт» деган – туяга мадад.

Қўйнидан тўкилса қўнжига.

Дўст ҳисоби кўнгилда.

Ҳисобли дўст айрилмас.

Оға-ини тотув бўлса, от кўп,
Опа-сингил тотув бўлса, ош кўп.

Қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди.

Ота-онанг ўлса ўлсин,
Қадрдонинг ўлмасин.

6636

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
1-FILIALI



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

Уйда кишиси борни тузда[1] киши уролмас.

Дўст сўзини ташлама,
Ташлаб бошинг қашлама.

## КЎНГИЛ КЎНГИЛДАН СУВ ИЧАР

Жон берганга жой бер,
Жой берганга жон бер.

Одам одамга керак.

Одам – одам билан,
Писта – бодом билан.

Зар қадрини заргар билар.

Ҳусн тўйда керак,
Муҳаббат кунда керак.

Ишқи йўқ – эшак,
Дарди йўқ – кесак.

Йигит йигитнинг кўзгуси.

Кўнгил кўнгилдан сув ичар.

Ош – эгаси билан,
Гул – барги билан.

AXBOROT RESURS MARKAZI

[1] *Туз* – кенг текислик, дала.



Сийлагани пул топмасанг, сийпагани тилинг бор.

Кўз қаерда бўлса, меҳр ҳам шу ерда.

Олма олмадан ранг олар,
Чиллаки чиллакини кўриб, чумак урар.

Қўшни қўшнидан эрта туришни ўрганади.

Ўз қадрини билмаган, киши қадрини билмас.

Ўз қадрини билмаган, эл қадрини на билсин.

Айрилмас қўшнингга уятли гап гапирма.

Қадр билмаснинг қадри йўқ.

Қадр билмас қариндошдан,
қадр билган ёт яхши.

Ҳурмат қилсанг, ҳурмат кўрасан.

Ҳар ким ҳимматига яраша топади.

Бадхўйнинг бети қора.

Гина – адоватнинг қўшниси.

Ўзи бемалолнинг, сўзи бемалол.

Ваъдага вафо – марднинг иши,
Ваъдасиз – субутсиз киши.

Айтмаган ерга, йўнмаган таёқ.

Чақирмаса, борув йўқ,
Чақирилган ердан қолув йўқ.

Чақирилган ернинг узоғи йўқ,
Йўлинг очиқ – тузоғи йўқ.

## КЕНГАШЛИ ТЎЙ ТАРҚАМАС

Кўпга кенгаш, ўзингга маъқулини қил.

Етти ўлчаб, бир кес.

Кенгашли тўй тарқамас.

Кенгашли тўн тор келмас.

Кенгашмай тенглашма.

Бир каттанинг айтганини қил, бир кичикнинг.



## ТАГИ ДУШМАН – ДЎСТ БЎЛМАС

Кўтон бўрисиз бўлмас.

Ёв йўқ дема, жар остида,
Бўри йўқ дема, бўрк остида.

Уй ўзимники дема, том орқасида киши бор.

Дўст икки, душман саккиз.

Олисдаги душмандан,
Онгиб юрган «дўст» ёмон.

Ишонмагин «дўстинг»га,
Сомон тиқар пўстингга.

Кичкина тош бош ёрар.

Томчи тошни тешади.

Кўринмас бало оёқ остида.

Оқизоқнинг охирига боқ.

Илоннинг суймас ўти, инининг оғзида битади.

Ёт сени ётқизар,
Ғам-кулфатга ботқизар.

Илоннинг боласи – илон,
Чаённинг боласи – чаён.

Асли қора оқармас,
Асли қингир тузалмас.

Таги душман – дўст бўлмас,
Қайнаса қони қўшилмас.

Қалб қозони қайнамас,
Қайнаса ҳам қуюлмас.

Эски пахта бўз бўлмас,
Асли душман дўст бўлмас.

Ичак-қорин гўшт бўлмас,
Душман асло дўст бўлмас.

Тол ёғоч маданг бўлмас,
Мусофир дананг бўлмас.

Ётнинг ёғи чиқмайди.

Мусофирнинг ошнаси бўлмас.



Қозилашгандан қариндош бўлмас.

Олов куйдирар тушган ерини,
Душман куйдирар тутган ерини.

Қарға қарғанинг кўзини чўқимас.

Тулки, қарсоқ ини бир,
Ғар, ўғрининг тили бир.

Пес пес билан қоронғида топишар.

Оқ ит, қора ит – бари бир ит.

Қозонига қараган – қариндош эмас.

Дастурхонга боққан – дўст эмас.

Ошга ўртоқ – бошга тўқмоқ.

Дўст ачитиб гапирар,
Душман кулдириб.

Дўст бошга боқар,
Душман – оёққа.

Душманнинг кулганига ишонма.

Душманнинг кулгани –
Сирингни билгани.

Бир кулиб боққан одамдан қўрқ,
Бир ёришиб ёққан ҳаводан қўрқ!

Илоннинг тиши юмшоқ бўлса ҳам, ичи заҳар.

## СИРИНГНИ СИРТГА ЧИҚАРМА

Сен синамасанг, у синайди.

Уйингдагини қўшнингдан сўра.

Дўстим деб, сирингни айтма,
Дўстингнинг ҳам дўсти бор.

Дўстга айтдим сўзимни,
Душман билди сиримни.

Қулон бошига иш тушса, қуйруғига сир айтмас.

Эл оғзига элак тутиб бўлмас.

Сирингни сиртга чиқарма.



Киши йўқ деб сўзлама,
Оғзинг ёмон ўрганар.

Оёқ югуруги ошга,
Оғиз югуруги бошга.

Одам тилидан топади,
Ҳайвон мўгизидан.

## ДИЛ ОҒРИТГАН – ДЎСТ ЭМАС

Бўжи келди-бўжи келди.
Бўжи эмас, Жўжи келди.

Бўжи келди-бўжи келди.
Чингиз билан Жўжи келди.

Замона зулмни кўтармас.

Золимнинг жойи – жаҳаннам.

Етимни йиғлатма.

Дил оғритган – дўст эмас.

Дилозордан худо безор.

Инсофсиз – имонсиз.

Ўлимдан хўрлик ёмон.

Ёмон ёмонлигини ташласа, олам гулистон бўлади.

## ТЕКИНХЎР – ҲАРОМХЎР

Бели оғримаганнинг нон ейишига қара.

Чигирткалар экин ер,
Экмай-тикмай текин ер.

Ўроқда йўқ, машоқда йўқ – хирмонда ҳозир.

Тиканнинг заҳри ёмон,
Текинхўрнинг қаҳри ёмон.

Текин томоқ – одамнинг тузоғи,
Едириб, айтади: «Аммамнинг бузоғи».

Текинхўр – ҳаромхўр.

Текин томоқ ичагингни тешади.

Тангалик ерда тенглик йўқ.

Аллоп – аллопнинг иши қаллоб.



Туркистонда кўй бир сўм,
Кела-кела ун бир сўм.

Бойлик – бойликнинг туби ўғирлик.

Эшак эти гўшт бўлмас,
Савдогар киши дўст бўлмас.

Кўнгил тортган ош – ҳалол.

Фолбиннинг сўзига аҳмоқ ишонар.

Ромчининг ромидан ўзингнинг хомхаёлинг яхши.

Касал – жоннинг ҳаракатида,
Табиб – пулнинг ҳаракатида.

Амирнинг ошидан фақирнинг мушти яхши.

Бекнинг чашмасидан сув ичма.

Еган оғиз уялар.

Кишининг зари – кишини бузар,
Зарни кўрган – занжирни узар.

## ҲАҚ ЕРИНИ ТОПАР

Ҳақ – ноҳақ бўлмас.

Ноҳақ ишга ривож йўқ.

Эгри озади,
Тўғри ўзади.

Ҳақ эгилса ҳам синмайди.
Ҳаққа завол бўлмайди.

Маломат, ҳақ бўлсанг, саломат.

Ҳақ ерини топар.

Ҳақ сўз – аччиқ сўз.

Тўғри сўзнинг заҳри йўқ.

Тўғри сўз қиличдан ўткир.

Тўғри тил тошни ёради,
Эгри тил бошни ёради.

Бошингга қилич келса ҳам тўғри гапир.

Айбини яширган ўнгмас.



Касалингни яширсанг, иситмаси ошкора қилади.

Ойни этак билан ёпиб бўлмас.

Эгри кўчадан юрсанг ҳам тўғри юр.

Эгри ўтирсанг ҳам тўғри гапир.

Тўғри таёқ билан эгри таёқ кўтарганни ур.

Тўғри таёқ – балога тўғон.

Эгри таёқнинг бутоғи бурнингни йиртади.

Қинғир иш – қирғин иш.

Қинғир ишнинг қирқ йилдан кейин ҳам қийиғи чиқади.

## СУВ КЕЛМАЙ, БАНД ТАШЛА

Ботирга ҳам жон керак.

Ҳар кимнинг жони ўзига ширин.

Бир кунлик йўлга чиқсанг, бир ҳафталик озиқ ол.

Кўза кунда эмас, кунида синади.

Чиқаси келса, эгаси сабаб бўлади.

Кўр ҳассасини бир марта йўқотар.

Оғзи куйган пуфлаб ичар.

Адашганнинг айби йўқ, қайтиб уйини топса.

Кўр кўйганини соғ топмас.

Косов узун бўлса, кўл куймас.

Ўзингта эҳтиёт бўл,
Қўшнингни ўғри тутма.

Сув келмай, банд ташла.

## ЭСИНГ БОРИДА ЭЛ ТАНИ

Икки кеманинг бошини тутган ғарқ бўлар.

Эсинг борида эл тани,
Кучинг борида ер тани.

Отинг борида йўл тани,
Ақлинг борида эл тани.



Бировнинг мис қозонидан, ўзингнинг қора қозонинг яхши.

Ўзганинг току равоқидан, ўзингнинг айвонинг яхши.

Ножинснинг сирли меҳмонхонасидан, дўстингнинг сомонхонаси яхши.

Узоқнинг узунидан яқиннинг калтаси яхши.

Олиснинг оти ўзгунча, яқиннинг тойи ўзар.

Эл – кўнган ерда,
От – тўйган ерда.

Кишининг элида подшо бўлгандан, ўз элингда пода боққанинг яхши.

Ўз уйим, ўлан тўшагим.

Яхши қўшнингдан сўрагунча, ёмон уйингни ахтар.

Бировнинг ерини пиширма,
Ҳўкизингнинг бўйнини шиширма.

От эгасини танийди.

Ҳар кимники ўзига,
Ой кўринар кўзига.

Ҳар қуш ўз уясига қараб учар.

Дарахт бир ерда кўкарар.

От айланиб қозиғин топар,
Сув айланиб ёриғин топар.

Ўйнашга ишониб эрсиз қолма.

Хом кишини хушомад хароб этар.

Узоққа тузоқ қўйма.

Пуч ёнғоқ билан кўйин тўлғизма.

## ОДАМ БОЛАСИ – ЭЛНИНГ ЛОЛАСИ

Ақл ёшда эмас – бошда.

Тоғнинг кўрки тош билан,
Одам кўрки бош билан.

Ақлдан ортиқ бойлик йўқ.

Одоб бозорда сотилмас.



Фаросат – нисфи каромат.

Оқилу хушёр бўлсанг ғам ема,
Бангию тарёкини одам дема.

Кўчқор бўлур кўзининг
Пешонаси дўнг бўлур,
Оға бўлур йигитнинг
Пешонаси кенг бўлур.

Одам бўлиш осон,
Одамий бўлиш қийин.

Чолни кўриб бобом дема.

Одам борки, одамларнинг нақшидир,
Одам борки, ҳайвон ундан яхшидир.

Отанг боласи бўлма, одам боласи бўл.

Одам боласи – элнинг лоласи.

Киши бўлган кишининг,
Киши билан иши бор.
Киши бўлмаган кишининг,
Киши билан нима иши бор.

Беш қўл баробар эмас.

Олтин ўтда билинади,
Одам – меҳнатда.

Ёрга боқардан ер кўркар.

Ақлинг борида одам тани.

Замонасозлик – масхарабозлик.

Одам оласи ичида,
Мол оласи тишида.

Қозон олсанг қоқиб ол,
Хотин олсанг боқиб ол.

Ўзига боқма, сўзига боқ.

Ошнинг таъми туз билан,
Одамнинг таъми сўз билан.

Яхши топиб сўзлар,
Ёмон қопиб сўзлар.

Дилда бўлса, тилга келади.

Оқ кўнгилликнинг юзи кўркам.

Баланд ном баланд томдан улуғ.



## ЭРНИ НОМУС ЎЛДИРАР

Не ёмон – ор-номус ёмон.

Эрни номус ўлдирар.

Эр йигитга икки номус – бир ўлим.

Уят – ўлимдан қаттиқ.

Эр йигитнинг уялгани – ўлгани,
Ирғай дарахтнинг эгилгани – сингани.

Шармандага шаҳар кенг.

Яланғоч сувдан тоймас.

Ўзи юзсиз – сўзи тузсиз.

Сийлаганни сигир билмас.

Иштонсиз тиззаси йиртиққа кулар.

Шарму ҳаёсиз бўлсанг,
Ҳар ерда ерсан шатта.
Маъқул билимдон бўлсанг,
Иззат-хурматинг катта.

## ДОНО – ДУРДАН АЪЛО

Олим бўлсанг олам сеники.

Илмсиз бир яшар,
Илмли минг яшар.

Доно – дурдан аъло.

Улуғлик ёшда эмас – бошда.

Ўқиган ўғил – отадан улуғ.

Пиринг кучли бўлгунча, билиминг кучли бўлсин.

Ўқимай мулла бўлган –
Чўқимай қарға бўлган.

Ўқимаган – ялангоёқ,
Баайни бир қуруқ таёқ.

Кўрган билан эшитган бир эмас.

Кўп юргандан сўрама,
Кўп кўргандан сўра.

Кўп кўрганнинг куни ортиқ.



Кўпни кўрган кўп билади.

Қари билганни пари билмас.

Йўл билмасанг, йўл сўрагин юргандан,
Гап билмасанг, гап сўрагин билгандан.

Аччиқ билан чучукни тотган билар,
Узоқ билан яқинни юрган билар.

Бир каттанинг айтганини қил, бир кичикнинг.

Ҳунарни ўрганишга ҳам ҳунар керак.

## ҲУНАРЛИ ЎЛМАС

Ҳунар – ҳунардан унар.

Йигит кишига етмиш ҳунар ҳам оз.

Гап билгандан, иш билгин.

Ҳунарли ўлмас,
Ҳунарсиз кун кўрмас.

Ҳунар тўйғизар,
От миндириб, тўн кийгизар.

Ҳунарли эр хор бўлмас,
Дўст-душманга зор бўлмас.

Билмас кишига иш йўқ,
Ишсиз кишига ош йўқ.

Билган билганини ишлайди,
Билмаган бармоғини тишлайди.

Бўзчи билганин тўқир,
Мулла билганин ўқир.

Билмагандан билган яхши,
Тўғри ишни қилган яхши.

Керакли тошнинг оғирлиги йўқ.

Бир қилган мадад,
Икки қилган одат.

Тома-тома кўл бўлур,
Томмай қолса чўл бўлур.

Оз-оз ўрганиб, уста бўласан.

Ота кўрган ўқ йўнар,
Она кўрган тўн бичар.



Уста кўрмаган шогирд,
Ҳар мақомга йўрғалар.

Йўл кўрмаган йўл озар,
Кун кўрмаган кун озар.

Илм кўп, умр оз – зарурини ўқи.

Элак сўрашга ҳам оғиз керак.

Ана-мана дегунча, яхши-ёмонни билгин.

Болни бол дейди,
Болни таниган ейди.

Замон сани ўқитар,
Таёқ билан сўқитар.
Сабоғингни билмасанг,
Дўканда бўз тўқитар.

Чин кўнгилдан йиғласа, сўқир кўздан ёш чиқар.

Хом терини ийласанг ултон бўлур,
Нафсини тийган киши султон бўлур.

Дўкан тўқисанг бўз бўлар,
Чарх йигирсанг тўн бўлар.

Тек тургунча текин ишла.

Бекор тургунча бекор ишла.

Вақтинг кетди – бахтинг кетди.

Вақт ўтди – нақд ўтди.

Эринчоқ икки ишлар,
Охирда бармоғин тишлар.

Эринчоқлик бошга бало келтирар.

Бекордан худо безор.

Қимирлаган қир ошар.

Юрган дарё,
Ўтирган бўрё.

Юрган – ютоқмас.

Юрганнинг йўли ўтар,
Ўтирганнинг куни ўтар.

Юрган оёққа йўрғам йўлиқар.

Югурган – буюрмаганни ер.



Юрган – йўлдан топади,
Ўтирган қайдан топади.

Эринчоқлик – ғам келтирар не чоғлик.

Ғамсиз ошим – ғавғосиз бошим.

Бир кунга ҳўкиз ўлмас,
Икки кунга эгаси бермас.

Буғдой бўлса, ўлчов топилади.

Кўз қўрқоқ, қўл ботир.

Тўй силтови билан тўн битар.

Тиришганнинг тўқмоғи,
Тошга чега қоқади.

Тиришган тоғдан ошар.

Тиндим тунда, тинмадим кундузи,
Бўлди қўй телпагим кундузи.

Тиришдим, тоғдан ошдим.
Асир эдим, қутулиб қочдим.

Тиришдим, тумандан қочдим,
Ёруғлик сари йўл очдим.

## ҚАЛОВИНИ ТОПСА, ҚОР ЁНАР

Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин.

Ҳар бир ишнинг чамаси бор,
Ҳар дарёнинг кемаси бор.

Қаловини топса, қор ёнар.

Ҳар иш ўз устасидан қўрқар.

Отилмаган сопқон ҳам бошга тегар, ҳам кетга.

Отилмаган ўқ олти қулочдан ошмас.

Жавдар жойига тушса, буғдой бўлар,
Буғдой жойига тушмаса, жавдар бўлар.

Билмаган ишга уринма,
Уриниб тузоққа илинма.

Тирсакни тишлаб бўлмас.

Шамолли кун чақирма, сўзинг зое кетади.

Қош қўяман деб кўз чиқарма.



Қуш тилини қуш билади.

Аёлнинг тилини аёл билади.

Ҳар ернинг тулкисини ўзининг тозиси билан овла.

## ТЕМИРНИ ҚИЗИҒИДА БОС

Замона келмай кириндан,
Ғамингни е бурундан.

Қолган ишни қор босади.

Бугунги ишни эртага қўйма.

Эртага ош қолса – давлат, иш қолса – меҳнат.

Эсинг борида этагингни ёп.

Темирни қизиғида бос.

Ёз ёпинчиғингни қўйма,
Қиш куни ўзинг биласан.

Ёзнинг ёзиғи – қишнинг озиғи.

Ёзни кўриб қиш дема,
Қишга яраша ишинг бор.
Қотган экан нон дема,
Оғзинг тўла тишинг бор.

Қиш ғамини ёз еган, хўрагини соз ер.

Қирқида қўлига соз олган, қиёматда қулоғини бурайди.

Ҳар ишнинг ҳам вақти бор,
Гул, қизнинг ҳам вақти бор.

Наврўздан сўнг қиш бўлмас,
Мезондан сўнг ёз бўлмас.

## ШОШГАН – ШАМОЛ БИЛАН ТЕНГ

Бир кун ошиққандан қирқ кун ақл қочади.

Шошганда лаббай топилмас.

Шошган ўрдак ҳам боши билан шўнғийди, ҳам думи билан.

Ўтирган қиз ўрнини топар.

Ошиққан қиз эрга ёлчимас.



Шошган – шамол билан тенг.

Шошқалоқлик – аҳмоқлик.

Санамай саккиз дема.

Бердисини айтгунча уриб ўлдирма.

Жўжани кузда сана.

Чучварани хом санама.

Сувга суянма,
Сув кўрмай этик чиқарма.

Шошмасанг тез етасан,
Шошгандан ўзиб кетасан.

Кенг – кенгашиб йиртилар,
Тор – тортишиб.

## ЭКИН ЭККАН ТЕКИН ЕР

Берсанг оласан,
Эксанг ўрасан.

Арпа-буғдой ош бўлур,
Олтин-кумуш тош бўлур.

Экин эккан текин ер.

Боғни боқсанг боғ бўлади,
Ботмон даҳсар[1] ёғ бўлади.
Боқимсиз боғ тоғ бўлади,
Юрак-бағринг доғ бўлади.

Ақлинг бўлса, бир кун илгари ҳаракат қил.

Бир кун бурун сочсанг, ҳафта бурун ўрасан.

Эртаги савдонинг даҳсар оғирлиги бор.

Ер ҳайдасанг куз ҳайда,
Куз ҳайдамасанг юз ҳайда.

Деҳқон бўлсанг шудгор қил,
Мулла бўлсанг такрор қил.

Деҳқон бўлсанг қошида бўл,
Сипо бўлсанг бошида бўл.

Деҳқон – йиғса тинар,
Чўпон – ўлса тинар.

Ақрабда жигарини совуқ урмаса, охиратда ҳам урмас.

[1] *Даҳсар* – ботмоннинг тўртдан бири.



Ер тўймаса, эл тўймас.

Оқимиз[1] бўлса, сўкимиз бўлса ўлмаймиз.

Оқлик[2] бўлса, очлик йўқ.

Андизли[3] ерда от ўлмас.

Ийирли ерда эр ўлмас.

Озиқли от ҳоримас,
Ҳориса ҳам оримас[4].

## ЭР ҚАНОТИ – ОТ

Минмасанг ҳам от яхши,
Қучмасанг ҳам қиз яхши.

Отсиз оломон – сувсиз тегирмон.

От бўлса майдон топилади.
От бўлмаса майдон чопилади.

Отни боқсанг от қиласан.
Ёвни қувсанг мот қиласан.

[1] *Оқ* – сут-қатиқ.
[2] *Оқлиқ* – сигир, эчки.
[3] *Андиз* – кўкатнинг бир тури.
[4] *Оримас* – ориқламас.

Эр қаноти – от.

Оти борнинг қаноти бор.

Боқ отингни арпа билан,
Боқар қази-қарта билан.

От боққин улоққа,
Қўй боққин қўноққа.

Қалмоқ[1] олган қаримас,
Арғумоқ олган ҳоримас.

Бия – топиб беради туя.

От топсанг, эгар топилади.

Отинг ёмон бўлса, армонинг кетар,
Боланг ёмон бўлса, дармонинг кетар,
Хотининг ёмон бўлса, меҳмонинг кетар.

Отнинг бошига урма.

## ҚИММАТ БЕҲИКМАТ ЭМАС

Молдан молнинг фарқи бор,
Ўттиз икки нархи бор.

Арзон беиллат эмас,
Қиммат беҳикмат эмас.

[1] Қалмоқли от.



Арзоннинг шўрваси татимас.

Яхши-ёмоннинг фарқига бормаган, арзон-қимматнинг нархини билмайди.

## СЎЗДАН СЎЗНИНГ ФАРҚИ БОР

Сўздан сўзнинг фарқи бор,
Ўттиз икки нархи бор.

Маъноси йўқ гапдан, донаси йўқ чўп яхши.

Яхши сўз – жон озиғи,
Ёмон сўз – бош қозиғи.

Ширин сўз – шакардан ширин.

Сўз суякдан ўтар,
Таёқ – этдан.

Севдирган ҳам тил,
Бездирган ҳам тил.

Тил – қиличдан ўткир.

Қилич яраси тузалади,
Тил яраси тузалмайди.

Сасиган оғиздан чириган гап чиқар.

Тоғу тошни сел (сув) бузади,
Эл орасини сўз бузади.

Англамай сўзлаган, оғримай ўлар.

## ОЗ СЎЗЛА, КЎП ТИНГЛА

Сўзи сўзга ўхшамас,
Оғзи сўздан бўшамас.

Оз сўзла, кўп тингла.

Оғиз бир, кулоқ икки,
Бир сўзлаб, тингла қирқ икки.

Кўп билган, оз сўзлар,
Оз сўзласа ҳам соз сўзлар.

Гапнинг қисқаси яхши,
Қисқасидан ҳиссаси яхши.

Кўп сўзнинг ози яхши,
Оз сўзнинг ўзи яхши.

Кўп гап – эшакка юк.

Тилнинг узуни даллолга керак.



## ЯХШИГА ЁНДАШ

Яхшининг боши оғримас, оғрисаям ҳоримас.

Олтин ерда ётмас,
Яхшилик йўлда қолмас.

Яхшилик экса эсонлик ўрар.

Нимани эксанг шуни ўрасан.

Ҳар кимнинг нияти ўзининг йўлдоши.

Ҳар ким ўз қилмишига қараб топади.

Қилмиш – кидирмиш.

Эчкини ҳам, қўйини ҳам ўз оёғидан осадилар.

Кулма қўшнингга, қайтиб келади бошингга.

Бировга чоҳ қазиган киши ўзи йиқилади.

Бировнинг бузоғи ўлсин десанг, ўзингнинг ҳўкизинг ўлади.

Ўтга тегсанг ўчар,
Қўшнингга тегсанг кўчар.

Бу дунё ўтар-кетар,
Юзи қоралик қолар.

Бировга ўлим тилагунча, ўзингга умр тила.

Пичоқни ўзингга ур, оғримаса бировга ур.

Текканга тегиб, тегмаганга кесак отма.

Бало тегмаса, балода сенинг ниманг бор.

Ётган илоннинг қуйруғини босма.

Арининг уясига тегсанг, ўртага олиб талайди.

Яхшини кўриб фикр қил,
Ёмонни кўриб шукр қил.

Яхши сўзга қулоқ сол,
Ёмон сўзга улоқ сол.

Ўзингга яхшилик тиласанг,
Ўзгага ёмонлик қилма.

Отанг эрдир, сен ҳам эрдек қилиқ қил.

Яхшилик кўзга кўринмас,
Ёмонлик кўмиб қўйилмас.



Яхши одам ош ер,
Ёмон одам бош ер.

Яхшидан от қолади,
Ёмондан – дод.

Яхши бўлсанг отинг чиқар,
Ёмон бўлсанг хотининг чиқар.

Яхшига ёндаш,
Ёмондан қоч.

Ёмондан ё тон – қутул, ё қоч – қутул.

Эзгуликнинг кечи йўқ.

Яхши – қанд едирар,
Ёмон – панд едирар

Ўтмас пичоқ кўл кесар.

Яхши билан бўлсанг йўлдош,
Оғир ишингга кўлдош.
Ёмон билан бўлсанг йўлдош,
Тегар бошингга тоғдек тош.

Яхши билан ўртоқ бўлсанг,
Яхши йўлга бошлайди.
Ёмон билан ўртоқ бўлсанг,
Бор-йўғингни харжлайди.

Яхшининг шарофати тегар,
Ёмоннинг касофати.

Яхшининг қурбони бўл.

Яхши одамнинг яхшилиги тегар тор ерда,
Ёмон одамнинг зарари тегар ҳар ерда.

Тирраҳи бузоқ пода булғатар.

Яхши билан ўтирсанг,
Тилинг бўлар қанд каби.
Ёмон билан ўтирсанг,
Юрагинг бўлар ўт каби.

Ёмон билан юрдим, қолдим уятга,
Яхши билан юрдим, етдим муродга.

Эгилган таёққа суянма, сени ҳам эгади.

Қозонга яқин келсанг қораси юқар,
Ёмонга яқин юрсанг балоси юқар.

От билан бўлса эшакнинг охури,
Ранги урмас, феъли урар охири.

Нодон билан юрма,
Номусингни букма.



Шеригинг ёмон бўлса шармандасан.

Ёмон билан йўлдош бўлма,
Нодон билан сирдош бўлма.

Ёмон йўлдош ёв бўлади,
Охир иши дов бўлади.

Ёмон одамга ёндашган йиқилмай қолмас,
Охири бир чуқурга тиқилмай қолмас.

Бўйнида иллати борнинг оёғи қалтирайди.

Ёмон йўлдошдан ёмон таёқ яхши.

Қорамиғ донаси бўлгунча,
Буғдойнинг сомони бўл.
Ёмоннинг яхшиси бўлгунча,
Яхшининг ёмони бўл.

Ҳузур қилурсан қишда,
Қуруқ бўлса ўтининг.
Ёруғ дунёнинг беҳишти,
Яхши бўлса хотининг.
Ёмон бўлса хотининг
Ҳам ўларсан, ҳам куярсан,
Ҳеч ерда қолмай бутунинг.

Ёмоннинг ёқаси йиртиқ,
Бир қилиғи ҳаммадан ортиқ.

Бир ёмон анжир кесар,
Икки ёмон занжир кесар.

Ёлғончининг рост сўзи ҳам ёлғон бўлар.

Нодонга сўзлаган эсиз сўзим,
Ўликка йиғлаган эсиз кўзим.

Гапни гапир уққанга,
Жонни жонга суққанга.
Гапни айтиб нетарсан,
Онаси бевақт туққанга.

Неккайганга кеккайгин –
Бошинг кўкка етгунча.
Энкайганга энкайгин –
Бошинг ерга теккунча.

Бўлмаганга бўлишма.

Ёмоннинг яраси битмас.

Бирнинг касофати мингга тегар,
Мингники – туманга.

Ит – итнинг ўртоғи бит.



Ўхшатмай учратмас.

Ёмон яхши бўлмайди.
Эшак – бахши.

Қариб куюлмаган, ачиб суюлмас.

Яхши отга бир қамчи,
Ёмон отга минг қамчи.

Бир бўлган, икки бўлмай қолмас,
Икки бўлган, уч бўлмай қолмас.

Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас.

Ёмон ўлди деса – ишон, ёмонлигини қўйди деса – ишонма.

Ёмонга ёғ ярашмас,
Хиёбонга боғ ярашмас.

Ўзига бўй бўлмаган, ўзгага енг бўлмас.

Бўйнидан боғланган ит овга ярамас.

Қирқ киши бир ёна, қинғир киши бир ёна.

Ёмоннинг юзи қурсин,
Гапирган сўзи қурсин.

Ўзи ўғри ҳаммани ўғри билади.

Эшагига яраша тушови.

Ҳаромдан йиғилган ҳаромга кетар.

Ўғрини қароқчи урар.

## АҲМОҚ ЎНГМАС

Ақлни беақлдан ўрган.

Нодон сўзлар,
Доно ибрат олар.

Эси пастнинг иши паст.

Аҳмоқ дароздан ақлли пакана яхши.

Аҳмоқ дўстдан ақлли душман яхши.

Янтоқдан атир чиқмас,
Аҳмоқдан – ботир.

Аҳмоқнинг катта-кичиги бўлмас.

Ақлсиз оғзидагини олдирар.



Аҳмоқ ўз оёғидан ҳорир.

Шўр тўнгмас[1],
Аҳмоқ ўнгмас.

Аҳмоқ ўзи билмас, билганнинг сўзига кирмас.

Телбанинг териси қалин.

Оқилга ишорат,
Нодонга калтак.

Аҳмоқ – аҳмоқ эмас,
Аҳмоқни аҳмоқ қилган – аҳмоқ.

Аҳмоқни урма-сўкма, ишга сол.

## ЎРИНСИЗ ҒАЗАБ – ЎЗИНГГА АЗОБ

Жаҳл чиққанда ақл қочади.

Ўринсиз ғазаб – ўзингга азоб.

Бургага аччиқ қилиб кўрпа куйдирма.

Аччиғинг келса бурнингни тишла.

---

[1] *Тўнгмас* – музламас.

## ЎЙНАБ-КУЛГИН ЙИГИТДЕК

Торга тор дунё,
Кенгга кенг дунё.

Жони борнинг ғами бор.

Ғам ема, беғам ҳам бўлма.

Кишини ғам қаритади.

Ўйнаб-кулгин йигитдек,
Сиқилмаган чигитдек.

## ҒУРУР ҒУРБАТГА СОЛАР

Амал оздирар,
Амалга мағрур бўлсанг тўздирар.

Манманлик – худоурганлик.

Отдан тушса ҳам эгардан тушмас.

Кўздан тушган тилдан ҳам тушар.

Ғурур[1] ғурбатга солар.

От минган отасини унутибди.

---

[1] Бу ерда такаббурлик маъносида.



Ўзингни эр билсанг, ўзгани шер бил.

Ёмоннинг кучи япалоққа етар.

Аязхон ҳаддингни бил.

Кўрган кунингни унутма,
Хом чориғингни курутма.

Қулочингга қараб кетмон чоп.

Нарвонга чиқсанг ҳам шошмай чиқ,
Ўз ҳаддингдан ошмай чиқ.

Семизликни қўй кўтарар.

Ҳали хомсан, пишарсан,
Бу шахтингдан тушарсан.

## МАҚТАНМА ҒОЗ, ҲУНАРИНГ ОЗ

Мақтанганнинг уйига бор,
Керилганнинг тўйига бор.

Уйида чакса уни йўқ,
Том бошида қўш тандир.

Мақтанма ғоз,
Ҳунаринг оз.

Чумчуқ семирса ботмон келмас.

Аҳмоқ ўзини мақтар.

Мақтанчоқ – бекорчига ўйинчоқ.

## БАХИЛНИНГ БОҒИ КЎКАРМАС

Тенг еганни тангри суюбди.

Қўли очиқнинг йўли очиқ.

Тенглик – кенглик.

Кенг бўлсанг кам бўлмайсан.

Бермаганни бериб уялтир.

Ўрдак берсанг ғоз оласан.

Қўлингдан бермасанг, йўлингдан бер,
Йўлингдан бермасанг, сўзингдан бер.

Саники-маники – кўнгил торлиги,
Нари ёт-бери ёт – тўшак торлиги.

Йўқча[1] гуруч ош бўлади,
Меҳмон кўнгли шод бўлади.

[1] *Йўқча* – тахминан 170 грамм.



Бермаснинг оши пишмас,
Пишса ҳам чўмичга чиқмас.

Сахий билан бахил бир булоқдан сув ичмас.

Бахил топса босиб ер.

Бахил эҳсондан қочар,
Хасис – меҳмондан.

Ўзи емас, кишига бермас.

Ёғи йўқ, қаймоғи йўқ чойи[1] қурсин.
Хайри йўқ, саховати йўқ бойи қурсин.

Ёмон отга ёл битса,
Ёнига тўрсуқ бойлатмас.
Ёмон эрга мол битса,
Ёнига қўшни йўлатмас.

Бахилнинг боғи кўкармас.

Бахилнинг тузи татимас.

Суқ тўймас,
Ўғри бойимас.

Еб тўймаган ялаб тўймас.

[1] *Чой* – бу ерда ширчой маъносида.

## УМИД ЎЛМАС

Жони борнинг умиди бор.

Чиқмаган жондан умид.

Умид ўлмас,
Ризқ камимас.

Очиқ оғиз оч қолмас.

От босмаганни той босар.

Оққан ариқ оқмай қолмас,
Оқмай қолса, икки кўзинг боқмай қолмас.

Ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ.

Яхши ният – ёрти мол.

Умидингни узма,
Кўнглингни бузма.

Умиди йўқ – имони йўқ.



## ЎТГАН ИШГА ЎКИНМА

Айтган сўз – отган ўқ.

Ўтган булутдан ёмғир кутма.

Ўтган ўтди-кетди, қолгандан гапир.

Сўнгги пушаймондан наф чиқмас.

Ўтган ишга ўкинма.

Ўтган ишга салавот.

Ўтган ишдан туш яхши.

## ТЕЖОҒЛИҚ ИШ – БЕЖОҒЛИҚ

Таом туз билан,
Туз ўлчов билан.

Қўя-қўя есанг қўй ортар,
Торта-торта есанг той ортар.

Сақласанг – минг кунлик,
Сақламасанг бир кунлик.

Тангрининг куни тариқдан кўп.

Ҳар куни ема паловни,
Ҳар куни ёққил оловни.

Оз е, ҳамиша е.

Отини аяган от минади,
Тўнини аяган тўн кияди.

Очилмас омборнинг калити осмонда.

Борида – чора-чора, йўғида – банда бечора.

Бор – борича,
Йўқ – ҳолича.

Кўрпангга қараб оёқ узат.

Эскини эски дема, эскини топгунча эсинг кетар.

Янгини эски асрар.

Ямасанг янги бўлар,
Янгининг тенги бўлар.

Пул топгунча ақл топ.

Тежоғлиқ иш – бежоғлиқ.



Тежоғлиқ рўзғор – бежоғлиқ кўғирчоқ.

Хотиннинг саранжоми – хитойнинг бозингари.

Хотиннинг сариштаси – одамнинг фариштаси.

## СОҒЛИГИНГ – БОЙЛИГИНГ

Иссиқ жон иситмасиз бўлмас.

Ишламай еган оғримай кетар.

Кўзинг оғриса қўлингни тий,
Ичинг оғриса нафсингни тий.

Оз ошаган мой ошар,
Кўп ошаган лой ошар.

Ақлли одам қиш ғамини ёз ер,
Кеча бўлса хўрагини оз ер.

Иззат тиласанг кўп дема,
Сиҳат тиласанг кўп ема.

Касал – ощдан, даво – қариндощдан.

Кўзинг оғриса қўлингни тий.
Тишинг оғриса тилингни тий.

Карнай – мисдан,
Балғам – исдан.

Соғлигинг – бойлигинг.

Тани соғлик – туман бойлик.

## ОНА БИЛАН БОЛА
## ГУЛ БИЛАН ЛОЛА

Хотинсиз ўтиш – хато,
Боласиз ўтиш – жафо.

Уйланган – ўғил-қизига қувонч.

Она билан бола – гул билан лола.

Баликнинг тириклиги сув билан.

Ўғли йўқнинг ўрни йўқ,
Қизи йўқнинг қадри йўқ.

Болали уй – бозор,
Боласиз уй – мозор.

Болали уйда ғийбат бўлмас.

Болали уйда ўғрилик турмас.



[illegible] туғи ярқирайди.

[illegible] дейди,
[illegible] дейди.

[illegible] ширин.

[illegible] роҳати.

[illegible] билмасак.

Ота-онасини танимаган, тангрисини танимас.

Ўлчамай тўн бичган ёмон,
Ота-онадан кечган ёмон.

Ота-онанг дуоси ўтга-сувга ботирмас.

## КУНДОШЛИК – КЎНГИЛ ҒАШЛИК

Икки суюк бир кўнгилга сиғмас.

Эшак минганнинг оёғи тинмас,
Икки хотинликнинг қулоғи тинмас.

Кундошлик – кўнгил ғашлик.

Кундошликка кун туғмас,
Кун туғса ҳам бутун туғмас.

Кундошли уйда тўзим йўқ.

Эшикдан кундош кирса,
Тешикдан уруш киради.

Уйида роҳати йўқнинг,
Кўчада фароғати йўқ.



## *Афоризмлар, мақоллар ва маталлар*

Жаҳон мумтоз адабиётининг нодир асарларини ўз она тилида ўқиш турли ёшдаги китобхоннинг маънавиятини юксалтириб, унинг умуминсоний қадриятларга меҳрини янада оширади. Ўз-ўзидан равшанки, таржима асарлар билан халқимиз қалбини тўлқинлантирганноширлар ва таржимонлар ҳақида сўз айтишнинг масъулияти бор.

«Ўздавнашр» (Ўзбекистон давлат нашриёти) да қалами ўткир, моҳир таржимонлар ишлагани маълум.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Восиқ Абдувалиевнинг «Нурли манзил» китобида ана шундай инсонларнинг исмшарифлари тилга олинади: Шукур Саъдулла, Усмон Носир, Малик Раҳмон, Зулфия, Ойдин, Мели Жўра, Илёс Муслим, Вали Раҳим. Улар қатори Абдуллахон Хўжахонов – падари бузрукворимиз номи ҳам келтириб ўтилган.

Қуйида қалами ўткир олим, таниқли таржимон, отам Абдуллахон Хўжахоновнинг тўплаган «Афоризмлар, мақоллар ва маталлар»и ҳавола қилинади.

Икки ошиқ қўшилса, равшан ўтар кун,
Жуфт қаланса, ловуллаб ёнади ўтин.

*(Саъдий)*

Сўзга оғиз очсанг ҳикмат била оч,
Қуруқ гап, вайсақи, бебурдликдан қоч.

*(Жомий)*

Агар тарбият кўрмаса одам,
Эшак бўлиб қолур юзга кирса ҳам.

*(Саъдий)*

* * *

Ёмонлик қилган кишининг ўзи ҳам ёмонлик кўради.

*(Навоий)*

Шахсий манфаатини илгари сурувчи киши – душманлик ўчоғидир.

*(Навоий)*

Киши учун тож ва бошқалар зийнат бўлолмайди, балки унга зийнат – ўзида бўлган адаб ва ҳаёдир.

*(Навоий)*



Айбингни кўрсатувчи кишига дам урма (қаттиқ тегма), чунки у ойнадир. Ойна дам уриш билан хиралангач, бошқа айбингни кўрсата олмайдиган бўлиб қолади.

*(Навоий)*

Юмшоқ сўз ёввойиларни улфатликка келтиради.

*(Навоий)*

Чўлда чанқоқ киши сув топганда, унга олтин идиш ёки синган сопол фарқсиздир.

*(Навоий)*

Тил тезлигидан (ўйламай гапиришдан) қийинчилик, турли маломат ва пушаймонликлар туғилади.

*(Навоий)*

Тилдан етган озор, найза озоридан ёмон.

*(Навоий)*

Уйни ҳар қанча безаган билан, агар у уйда ахлоқли рафиқа бўлмаса, чиройи бўлмайди.

*(Навоий)*

Ёшликда илм хазинасини йиғгин, қаригач сарф қилгин.

*(Навоий)*

Ёлғиз киши дунёдан баҳра тополмайди, чунки бир қўлдан товуш (қарс) чиққанини ким эшитган.

(*Навоий*)

Ҳар қанча зебо суратларда ҳам яхши ахлоқ, ширин сўз бўлмаса, халқ уларни истамайди.

(*Навоий*)

Кимдан эл қочса, у киши элнинг ёмонидир,
Бундай бўлишлик бахтсизликнинг белгисидир.

(*Навоий*)

Ҳар бир ишнинг охири бор,
Ҳар қийинчиликнинг ниҳояти бор.

(*Навоий*)

Бировга чоҳ қазисанг,
Ўзинг йиқиласан.

(*Навоий*)

Шам ҳамма ёқни кўпроқ ёритган сари, эгаси унинг бошини кўпроқ узади.

(*Навоий*)

Разил кишилар иродасиздирлар, улар давлатга етсалар ўзларини йўқотиб қўядилар.

(*Навоий*)



Илгари сенга душман бўлган киши ҳар қанча ширинсухан бўлса ҳам, унинг сўзларига алданма.

(*Навоий*)

Тил захмининг оғриғидан кўнгил синишининг алами жон аламидан кам эмас.

(*Навоий*)

Кўнгил сингач, эндиги илтифотдан нима фойда. Шиша сингач, улаш билан эски ҳолига қайтмайди.

(*Навоий*)

Душман сенга зоҳирда яхши маслаҳат кўрсатган каби кўринса ҳам, ҳақиқатда унинг маслаҳатлари бузғунчиликнинг худди ўзидир.

(*Навоий*)

Одамнинг мартабали бўлиши унинг ҳаёли ва адабли бўлишидадир.

(*Навоий*)

Барча лаззатни тотдим, офиятдин чучукроқ шарбат топмадим.

(*Навоий*)

Кимсанинг ўзи ёлғиз бўлса, унинг ҳунари ҳам йўқ кабидир, чунки ёлғиз киши киши қаторида бўлмайди.

(*Навоий*)

Тил найзасидан бўлган кўнгил яраси битмайди, унга ҳеч нарса малҳам бўлолмайди.

(*Навоий*)

Отасини оғритган муродига етмас.

Сассиқ мўридан сассиқ тутун чиқар.

Отасини оғритган эл ичинда хор бўлур,
Онасини оғритган парча нонга зор бўлур.

Қилич яраси тузалади, тил яраси тузалмайди.

Сўзи сўзга ўхшамас, оғзи сўздан бўшамас.

Инсон юраксиз яшай олмаганидай, ватансиз ҳам яшай олмайди.

(*Паустовский К.Г.*)

Эсли киши ўйламай иш қилмайди.

Куннинг ёмони кетар, одамнинг ёмони кетмас.

Меҳмон олдида мушукни пишт дема.

Яхшисиз ёмон бўлмас.



Гуноҳсиз кишини тил тиғи билан ранжитиш, соғ кишини ништар уриб яралаш билан тенгдир.

Кўп ёмғир ер бузар.

От йўғида эшак ҳам мол.

Ҳар ким билан дўст бўлмоқчи бўлсанг, олдин у кишини яхши сина, текшир.

Ёли семиз эшакдан яғир бўлса-да, от яхши,
Қадр билмас қариндошдан яқиндаги ёт яхши.

Ҳақиқий инсон ташқи томонга қараб баҳо бермайди. Юзаки томонгагина қараб мақтанувчи кишини одам деб бўлмайди.

Ёмон эркак тўй бузар, ёмон хотин уй бузар.

Яхши хотин уй давлати.

Ота қарғиши – ўқ.

Отанг ишга буюрса, намозингни бузиб бор.

Етим бола ўз ошини ичади, кишининг миннатини тортади.

Қордан қутулиб, ёмғирга йўлиқдим.

Ойни этак билан ёпиб бўлмас.

Уйликни топмаган кишиликни тўздирар.

Омон бўлса бу бошим, яна чиқар бу сочим.

Дардим бор – дардкашим йўқ, ғамим бор – ғамкашим йўқ.

Тил – қиличдан ўткир.

Қилич яраси битар, тил яраси битмас.

Ёмон кунлар яхши бўлур, ёмон одам яхши бўлмас.

Бировни қийнаган ўзи қийналмай қолмайди.

Кўп ўқиган кўп билур.

Фарзандликнинг уйин кўрсанг мисоли гул,
Фарзандсизнинг уйин кўрсанг мисоли чўл.

Ёмон ўртоқ ҳам ошингни ер, ҳам бошингни.

Жаҳлдор инсон билан итнинг оралиғидаги фарқ шундаки, инсон тили билан, ит эса тиши билан озор етказади.

Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ.

Вақтинг кетди, нақдинг кетди.



Усти ялтироқ, ичи қалтироқ.

Билаги зўр бирни йиқар,
Билими зўр – мингни.

Сўраб-сўраб ўрганган олим,
Орланиб сўрамаган ўзига золим.

Аввал сина, кейин ишон.

Ҳеч қачон бир нарсага муккангдан кетма.

Халқни бир одам деб, бир одамни бутун халқ деб бил.

Омадлилигинг учун фахрлан, бироқ талтайма.

Ўз тенгинг билан баҳслаш.

Инсонлар билан ҳар соҳада алоқа ўрнат.

Сен, аввало, ўзингни афв эт.

Охиратни ва қиёмат кунини унутма,
У кун учун тайёргарлигинг бўлсин.

Кечаги ишни бугунга қўйма.

Қалбингга диққат қил, қалбинг ҳамиша тоза бўлсин.

Атрофингдаги инсонларга мулойим бўл.

Яратганга қанчалик муҳтож эканлигингни билсанг, унга шунчалик яқиндирсан.

Кўришинг ҳам, кўзингни юмиб олишинг ҳам сенинг ихтиёрингда.

Буюм сотиб олаётганда, уни текшириб ол.

Сен чин дилдан хоҳла, бас! Ижобат бўлғай.

Ёлғонни эмас, ҳақиқатнинг ортидан қув.

Билим йўқ экан, фикр доираси кенгая олмас.

Завқ берганни ол, қайғу берганни от.

Ҳуда-беҳудага асабийлашма.

Ён босма, лекин сабр-тоқат қил.

Нима дейишяпти? Нима дейишса, деяверишсин.

Ҳаёт рўпарасида янада диққатли бўл.

Одамларнинг фикрини кўзидан ўқиб олишни ўрган.

Сохта бўлма, содда (табиий) бўл.



Мажнун бўлма, кураш, Фарҳод бўл.

Ҳужумни ошириб юборма, йўқса золимни мазлумга айлантирасан.

Ортиқча ёмонлама, ёмонга тарафдорларни кўпайтирасан.

Бир марта синаб кўр... натижа бўлмаса, яна бир бора сина!

Ҳаётингга маъно қўш, умринг сонияларини ҳам қадрла.

Айбламасдан тингла!

Синалмаган муҳаббатга ишонма.

Унутма! Парвардигор сени ҳеч қачон тарк этмас.

Тангрим! Мени ғийбатдан, мени ғийбат қилганни эса, бу гуноҳдан асра.

Қишдан сўнг баҳор келганидек,
Қўрқув ортида умид яшириндир.

Ғайрат биздан, тавфиқ Яратгандандир.

Фақирлик обрўсизликдан яхшироқ.

Қўшнинг билан аҳил бўл, аммо ўртадаги деворни олиб ташлама.

Инсоннинг ўзига берган энг яхши совғаси – бир дўстдир.

Суҳбат қуриш санъатини яхши ўрган.

Ҳеч кимнинг камчилигини юзига айтма.

Дилозор сўзларни ишлатма.

Асло алдай олмайсан, фақат ўзингни алдайсан.

Ўзингдан нафратланар экансан, ҳеч кимни сева олмайсан.

Ҳамиша ҳақли бўлишни унут.

Кўп ташвишланма, аксинча, ҳаётдан завқ ол.

Бир инсоннинг юзига айтолмаган гапингни орқасидан ҳам айтма.

Ҳар сафар ғолиб бўлмоқ шарт эмас.



Қалбда гина сақлама. Нозик қалбинг бу оғир юкни қандай кўтарсин?

Қурол мўлжалга уриш учун энг керакли кувватдир.

Туя – бир ақча, мушук – минг ақча.

Жаҳл келганда тилига ва қўлига ҳоким бўлган киши ёмон оқибатдан халос бўлади.

Ёмонликнинг оқибати надоматдир.

Оламга бир кўз билан қараган кишилар алданади.

Амалсиз олимнинг сўзи мевасиз дарахтга ўхшайди.

Яхши инсон ҳеч қачон яхшиликни унутмайди.

Инсонларни озодлигидан айирмаган яхшилик ҳақиқий яхшиликдир.

Ғоялар қарама-қаршилиги кишиларни бирлаштирмайди.

Гапини яхши тушунтира олмаган киши охирида надомат чекади.

Инсоннинг яхши ёки ёмон бўлиши, ундаги яхши-ёмон фикрларнинг қайси бири устунлигига боғлиқ.

Раббимиз ҳузурида энг мақбул амал, унга ибодатимиз ва ота-онага хизматимиздир.

Яхшилик инсонни омонликка олиб келади.

Ҳақиқатни бехато кўрган кишилар энг катта саодатга эришадилар.

Ҳар қандай истакка қатъий ғайрат ва олийҳиммат билан эришилади.

Ҳар ким ўз қобилияти, иқтидорини билса, у энг фойдали иш қилган бўлади.

Инсон нимага эҳтиёж сезса, шунга интилади.

Ўз ишини билган кишилар ҳаётдан лаззат топади.



Зафар ҳам ҳақ, ҳам кучли бўлган кишиларга ёрдир.

Ҳеч бир инсон дунёда ғамдан холи эмас, ҳар кимнинг ўзига хос қисмати бор.

Ишчининг ҳақини берган хўжайин яхши хўжайиндир.

Аҳмоқ билан дўст бўлган фалокатга тайёрлансин!

Ақл билан ўйлаб, пухта иш қилсанг, зафар сенга ёр бўлади.

Яхши тушуниб етиш – муваффақиятга эришиш сиридир.

Ҳаддини билган – юксалар,
Ҳаддини билмаган – ҳалок бўлар.

Инсон ё кўрингани каби бўлади, ё бўлгани каби кўринади.

Инсонийликнинг тамали ҳақиқий севгидир.

Кишиларга хизмат қилиш ҳар бир одамнинг энг муқаддас бурчидир.

Вақт қадрини билган киши буюк бўлишга ҳақлидир.

Одамларнинг энг аҳмоғи, биродари фалокатга учраганида унинг устидан кулади.

Борлиқ пардасини йиртмагунча, ҳақиқатни кўриб бўлмайди.

Ихлос – ибодатнинг руҳи.

Энг катта ёрдам инсонни ҳаётга ҳозирлаш, унинг эркинлигини тўла ўзида қолдиришдир.

Кўзи тўймаган кишининг ўлими яқин.

Ваҳима – қалбни бузадиган маънавий заҳардир.

Ақл фойдаланилмагунча соҳибига фойда бермайди.

Ақллига йўлдош бўлиш, аҳмоқдан қочиш инсонни икки дунё саодатига эриштиради.

Инсон учун жасурлик – шараф, қўрқоқлик ордир.



Энг яхши дори ҳордиқ ва нафсни тийишдир.

*(Б. Франклин)*

Кексая олиш – санъат, унга ҳамма ҳам муяссар бўлавермайди.

*(Г. Ларошфуко)*

Соғайиш шартларидан бири соғайиш хоҳишидир.

*(Сенека)*

Бадантарбия билан машғул бўлинса, ҳеч қандай дори-дармонга ҳожат қолмайди, бунинг учун муайян бир тартибга риоя қилмоқ ҳам шарт.

*(Ибн Сино)*

Кибр ёмонликка йўл очгани каби, тавозе ҳам инсонни яхшиликка етаклайди.

Замон сени эмас, сен замонни бошқар.

Сояларни кўрмай десанг, қуёшга тик боқ.

Мушук бокмаган сичқондан қутула олмас.

Ўқишни ташламоқ – деярли ўлим.

Ўзингга ниманики раво кўрсанг, бошқаларга ҳам шуни раво кўр.

Аввал чорасини кўр, сўнг таваккал қил.

Қўшни билан яхши муносабатда бўлган инсон ўзига яхшилик қилган инсондир.

Тарбия кўрмаган одам дўстларининг дилини оғритар.

Ҳеч кимни хор қилма.

Кераксиз нарсаларга бош қотирма.

Лоқайдлик – камбағалликнинг бошидир.

Ширинсухан бўл, йўқса жим тур.

Боласиз уйдан барака кетар.

Жуда оч ва жуда тўқ ҳолда уйқуга кетма.

Яшаш учун е, ейиш учун яшама.

Закотни муҳтожларга бер.

Кўп уйқу – паришонхотирлик сабабидир.

Тез чопиб кетаётган от қамчини хоҳламас.



Меҳмонларни кузатаётганда бақириб гапирма.

Камалакни кўрмоқ истасанг, ёмғирга чидашга тўғри келади.

Сени кўрган киши гўзал хулқингдан ўрнак олсин.

Устозинг олдида камтар бўл.

Кекса одамга қаттиқ гапирма, бир кун ақлинг кириб қайтиб келганингда, ўша ранжитган инсонинг ўтиб кетган бўлади.

Итга тош отгил-да, кўргил нетгай ул, тошга эрмас, сенга ҳамла этгай ул.

Ўзингга зарари етадиган, жонингни увол этадиган ишни қилма.

Қарс икки қўлдан чиқар.

Дўстнинг энг яхшиси – энг гўзал хулқлисидир.

Олдин ўзингга боқ, кейин ноғора қоқ.

Ёмон хотиннинг тили аччиқ.

От тепкисини от кўтарар.

Яхши от – ярим ризқ.

Отли йигит – бахтли йигит.

Бошсиз бўрк[1] бўлмас,
Тотисиз[2] турк бўлмас.

Ҳар ерни қилма орзу,
Ҳар ерда бор тошу тарозу.

Ҳар ернинг ўз ботмони бор.

Қайга борсанг ҳам қозоннинг қулоғи тўртта.

Хўроз ҳамма ерда бир хил қичқиради.

Бормаган жойда олтин бор,
Кўрмаган жойда кумуш.

Фалон ерда олтин бор,
Борсанг бақир[3] топилмас.

---

[1] *Бўрк* – қалпоқ, телпак.
[2] *Тоту, тоти* – кичик от, тойчоқ.
3 *Бақир* – қизил мис.



Яхшиларнинг ёнида ўтирмоқ, мушк-анбар дўконида ўтирмоққа ўхшайди.

Яхшиликни яхши кишиларга қил.

Яхшиликни биладиган кишиларга яхшилик қилсанг, сен энг бахтли одамсан.

Яхши ўйламоқ – омонлик калити.

Ҳар ким ўз қобилияти, кучи, имконига яраша ҳаракат қилса, у тўғри йўл тутган бўлади.

Яхшиликка йўғрилган ҳар сўзда шифо бордир.

Меҳнатсевар инсон фақир бўлса ҳам доимо ҳурматдадир, танбал одам бой бўлса ҳам доимо беобрўдир.

Ёшликда ғафлат уйқусида бўлганлар, кексаликда заҳмат чекади.

Яхши иш оғир бўлса-да, пухта бўлур. Тезда қилинган иш кўп бўлса-да, яроқсиздир.

Ўринсиз ўжарлик кишиларни чоҳга туширади.

Бир олим – бир оламдир. Оламнинг тириклиги олим биландир.

Ахлоқсизнинг ширин сўзи софдил кишиларга бир тузоқдир.

Ҳақиқий инсон ўз тилининг соҳибидир.

Ўз манфаати йўлида сезгирлик билан уйғоқ бўлиш, бекорчи сўзларга ухлаган каби лоқайд туриш чин инсонийлик белгисидир.

Меҳнат туганмас хазинадир.

Дардинг бўлса бўлсин,
Қарзинг бўлмасин.

Ҳисобли дўст – айрилмас.

Ҳар бир нарсанинг ҳақиқати унинг мазмунидадир.

Иккиюзламачига мол омонат бўлмас.

Ҳар ким ўз ризқига рози бўлса, дунёда ғавғо бўлмайди.

Режасиз ҳаракат надомат келтиради.



Айёрлик маккор кимсаларнинг яширин қуролидир.

Қўрқоқлик инсонни ваҳимага солади.

Марҳумларни унутмагинки, токи вафот этганингда сени ҳам унутмасинлар.

Шундай вақт келадики, сен ожиз, ночор деб ҳисоблаган инсон сенга энг катта ёрдам беради.

Ҳунар аҳли ҳамиша эркин яшайди.

Ҳунар – ҳунардан унар.

Ҳунар – туганмас хазина.

Жаҳл чиқса – кўз кораяр,
Жаҳл кетса – юз қизарар.

Эшагидан тушови қиммат.

Гавдаси катта бўлса бўлсин-у,
Ақли калта бўлмасин.

Мусулмон киши қўли ва тили билан ўзгаларга озор бермайди.

Яхшилик инсонни омонликка олиб келади.

Ҳиммат баланд бўлса, инсон туганмас давлатга эришади.

Ақлли душман аҳмоқ дўстдан яхшидир.

Аҳмоқ сўз – заҳар,
Оқилнинг сўзи – самар.

Оқилнинг ҳар каломи дуру жавҳар, инжудир,
Жоҳилнинг ҳар каломи тану қалбни инжитур.

Инсонийликнинг тамали ҳақиқий севгидир.

Зиён шундай бир ботқоқликки, тушсанг бўғиласан.

Умидга ўран, ишонч билан интил – қайта туғиласан.

Мен боламни десам, болам боласини дейди.

Меҳмон келар эшикдан, ризқи келар тешикдан.

Кўрмаганнинг кўргани қурсин.

Меҳмон ҳақи улуғдир.

Яратган тўғри сўзлаган инсонни севади.



Таом – яшаш ва Аллоҳни эслаш учундир.

Номи улуғ, супраси қуруқ.

Душманинг қанчалик кучсиз бўлса бўлсин, лекин сен бепарво бўлма, сергак бўл.

Ҳунарли инсон жамиятда ўз ўрнига эга бўлади,
Ҳунарсиз инсон эса мевасиз дарахтга ўхшайди.

Нимани эксанг шуни ўрасан –
Буғдой эксанг буғдой,
Арпа эксанг арпа.

Жоҳил – илму ирфондан бебаҳра касдир.

Олим бўлсанг, олам сеники.

Озга қаноат қилмаган, кўпга ҳам эриша олмайди.

Кичикни писанд этмай, каттага эришишни истаган кичикка ҳам зор бўлиб қолади.

Яхшилик чиримайди ва ёмонлик унутилмайди.

Сут билан кирган, жон билан чиқар.

Раҳм қилган раҳм кўради.

Ёмон феъл жаҳаннамга олиб боради.

Ўз авлодига марҳамат қилмаган, халқига ҳам марҳамат қилмайди.

Яхши ниятнинг охири хайрли бўлади.

Инсон фарзанди яратилганда ёнида 99 та ўлим сабаблари ҳам бирга яратилади, агар у шу ўлимлардан халос топиб яшасагина унга қарилик насиб этади.

Яхши бўлса аёллар, эрлар ранги сўлмагай.

Қайси элда чинакам ботир бўлса йигитлар, ўша ернинг эрлари ёвларга қул бўлмагай.

Хотинларнинг баракалироғи – сарф-харажатни камроқ талаб қиладиганидир.

Меҳрибонлик, раҳмдиллик – имондандир.

Марҳамат этмаган кимсага марҳамат бўлмайди, меҳр кўрсатилмайди.



Яхшилик қилган яхшилик кўради, ёмонлик қилган жазосини топади.

Ҳовли олма, қўшни ол.

Тил Аллоҳга шукр учундир, ғийбат учун эмас.

Қариси бор уйнинг париси бор.

Яхши хотин сиркани бол қилади,
Ёмон хотин болни сирка қилади.

Яхши феъл аёл қулни вазир қилади,
Ёмон феъллиги вазирни қул қилади.

Бошга тушганни кўз кўрар,
Бошга тушса йиғламас.

Ёлғончининг уйи ёнса ҳам ҳеч ким ишонмайди.

Қош қўяман деб кўз чиқармоқ ақлли одамнинг иши эмас.

Ақлли одам ким? Кўп билиб, кам сўзлаган.

Ўзига қарама – сўзига қара.

Инсон инсоннинг ойнаси.

Аввал таом, баъдаз калом.

Аввал ўз айбингни бил, кейин бошқадан кул.

Аввал ўзингга боқ,
Кейин ноғора қоқ.

Аёз ўтган кунингни унутма,
Эски чориғингни қуритма.

Аввал ўйла, кейин сўйла.

Ажралган – ажриққа зор.

Азага борган хотин ўз дардини айтиб йиғлар.

Айтган сўзни ютиб бўлмас.

Айтишга осон, қилиш қийин.

Айтсам тилим куяди, айтмасам – дилим.

Айтувчи аҳмоқ бўлса, тингловчи доно керак.

Али десанг, бали дейди.

Арзимайди ғалваси, куйдиради дахмазаси.



Ариқ сувин лойқама, давлат молин чайқама.

Арпа эккан арпа олар, буғдой эккан буғдой олар.

Арқоннинг узуни, гапнинг қисқаси яхши.

Афтинг қийшиқ бўлса, ойнадан ўпкаланма.

Ахтарган топар.

Аччиқни аччиқ кесар.

Аччиқ савол бериб, ширин жавоб кутма.

Ақл бозорда сотилмас.

Ақл ақлдан қувват олади.

Аҳмоққа иш буюр, кетидан ўзинг югур.

Аталага тиш синибди.

Ақлли ўзини айблар, ақлсиз – дўстини.

Ақлнинг ўлчови – идрок.

Ақлсиз калланинг хом қовоқдан фарқи йўқ.

Аҳил оила – ширин оила.

Аҳмоқни иззат қилсанг, чориғи билан тўрга чиқар.

Аҳмоқнинг ақли тушдан кейин киради.

Аҳмоққа ақл ўргатмоқ, тошга дон сепган билан баробар.

Аҳмоққа жавоб – сукут.

Аҳмоққа саллани келтир десанг, каллани келтиради.

Аҳмоққа Тўйтепа нима йўл.

Бошда ақл бўлмаса, оёққа зўр келади.

Бол билан балчиқ еса ҳам бўлади.

Баҳорги ҳаракат – кузги баракат.

Бегона қалби – қоронғу ўрмон.

Бахт ялқовга бегона.

Беданaнинг уйи йўқ, қаерга борса битбилдиқ.



Бемаҳал қичқирган хўрознинг калласини оладилар.

Бенуқсон дўст ахтарган дўстсиз қолар.

Бетга айтганнинг заҳри йўқ.

Бефойда сўзни айтма, фойдали сўздан қайтма.

Беш бармоқнинг бирини тишласанг, бари оғрир.

Беҳуда ҳаракат белни чиқаради.

Биздан кетгунча, эгасига етгунча.

Билганга лапар, билмаганга дардисар.

Билганингни элдан аяма.

Билим билан ҳикмат – олтиндан қиммат.

Билим – кучда, куч – билимда.

Билим – нур, билимсизлик – ғафлат.

Бир азобнинг бир роҳати бўлади.

Бир бошга – бир ўлим.

Бири боғдан келса, бири тоғдан келади.

Бир киши ариқ қазийди, минг киши сув ичади.

Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун.

Бир кун аввал эксанг, ҳафта олдин ўрасан.

Бир кун йилни тўйдиради.

Бирлашган дарё бўлур, тарқалган ирмоқ бўлур.

Билса ҳазил, билмаса чин.

Бирлик бўлмай тириклик бўлмас.

Бир магизни қирқ киши бўлиб ебди.

Бир мири хаён, уч мири зиён.

Бировнинг ёғлиқ нонидан, ўзингнинг зоғоранг яхши.

Бировнинг ишига саратонда қўл совқотади.

Бировнинг нарсасига кўз олайтирма.



Бировнинг нони қорин оғритар.

Бировнинг қош-қовоғига қараб иш кўрганингдан кўра, ўз билак кучингга таян.

Биров – тош, биров – гул, ўз жойида иккови ҳам яхши.

Бир пул олиб йиғлатдим, минг пул бериб юпатдим.

Бир терининг ичида қўй неча бор семириб, неча бор озар.

Бир томчи сув чумолига дарё кўринар.

Бир қалдирғоч билан баҳор келмас.

Бир қўлтиққа икки тарвуз сиғмас.

Бобомнинг тут эккани – ўзига ном эккани.

Бозорингни ўзинг қил, тегирмонингни ўзинг торт.

Болага бирни берсанг, икки деб йиғлайди.

Бола йиғламаса – она сут бермас.

Болани ёшдан асра, ниҳолни бошдан асра.

Бола оиланинг ҳам гули, ҳам булбули.

Болта тушгунча, кунда дам олар.

Бор борича, йўқ ҳолича.

Борингда қадринг билмадим, йўғингда излаб топмадим.

Ботирдан ўлим ҳам қўрқар.

Ботир ўлса номи қолар, номард ўлса нимаси қолар.

Бош омон бўлса дўппи топилади.

Бузоқни тилга олсанг ипини узиб келади.

Букрини гўр тузатар.

Булбулни қарқуноққа алиштирма.

Булоқ суви истаган белини эгар.

Бултур кесилган бармоғига бу йил йиғлайди.

Буниси ҳали ҳолва.



Бургутнинг кучи қанотида, одамнинг кучи дўстликда.

Буғдой нонинг бўлмасин, буғдой сўзинг бўлсин.

Бўзчи белбоққа ёлчимас.

Бўзчининг ҳунари тўкиган бўзидан кўринади.

Бўйнида иллати борнинг оёғи қалтирайди.

Бўлар одам ўн ёшида бош бўлур, бўлмас одам қирқида ҳам ёш бўлур.

Бўрининг оғзи еса ҳам, емаса ҳам қон.

Бўри қариса итга кулги бўлади.

Бир таёқни синдириб бўлади, лекин кўп таёқни букиб ҳам бўлмайди.

Ватансиз инсон – куйсиз булбул, баҳорсиз табиат – қалбсиз вужуд.

Вақтинг ўтгандан кейин қиличингни тошга чоп.

Вақт кетига қайтмас, сув кетига оқмас.

Вақт тоғни емирар, сув тошни кемирар.

Виждон билан гулдир ҳақиқий одам.

Говрон подиси билан азиз.

Гап билан шошма, иш билан шош.

Гап бошқа, иш бошқа.

Гапдан гап чиқар, чўпдан – хас.

Гап десанг қоп-қоп, иш десанг Самарқанддан топ.

Гапирганинг кумуш, гапирмаганинг олтин.

Гап эгаси билан юрмайди.

Гап ҳуснда эмас, йўсинда.

Гулни севган тиканини ҳам севади.

Гул тикансиз бўлмас.

Гўзаллик меҳнатдан топилар.



Гап билан ўроқ уриш осон.

Давлат тугар, билим тугамас.

Дангасанинг косаси оқармас.

Дарахтнинг бўшини қурт ейди.

Дарахт бир жойда кўкаради.

Дард томирни ейди, ҳасрат – умрни.

Дарё сувини баҳор676 тоширар, одам қадрини меҳнат оширар.

Девор бўлса ҳам кўчани кўради.

Девор тагида гапирма, деворнинг ҳам қулоғи бор.

Дили тўғрининг тили тўғри.

Домланинг айтганини қил, қилганини қилма.

Донолик йиллар оша келади.

Дунё кўрмай, дунё кишиси бўлмайсан.

Душманнинг бири ҳам хатар.

Душманнинг катта-кичиги бўлмас.

Душманингга ўлим тилагунча, ўзингга умр тила.

Душман отган тошдан, жигар отган увада қаттиқ тегади.

Дўст ачитиб гапирар.

Дўстинг кимлигини айт, сенинг кимлигингни айтаман.

Дўстинг учун заҳар ют.

Дўстни бошингга кулфат тушганда сина.

Дўст ҳисоби дилида.

Ер қаттиқ бўлса, ҳўкиз ҳўкиздан кўради.

Ер куёш билан, инсон илм билан чароғон.

Етти эшикнинг калитини олиб юради.

Ёш бўлса ҳам бош.

Ёвга жонингни берсанг ҳам, сирингни берма.



Ёлғон айтиб фойда кўрсанг, охири зарар топарсан.

Ёлғончининг рост сўзи ҳам ёлғон бўлар.

Ёндашмагин ёмонга, рангинг ўхшар сомонга.

Ён қўшни – жон қўшни.

Ё чангинг чиқсин, ё донгинг чиқсин.

Ёш келса – ишга, қари келса – ошга.

Ёшликда билгани – тошга ёзгани,
Қариликда билгани – музга ёзгани.

Ёшликда ўрганган ҳунар, ўзингга ўлжага қолар.

Ёғочни ўз ичидаги қурт ейди.

Ёғ хумчаси тошидан билинур.

Жанжалли уйда барака бўлмас.

Жаҳл чиққанда ақл кетар.

Жаҳлинг чиқса, ўзингни бос.

Жондан кечмасанг жонона қайда,
Тоққа чиқмасанг дўлона қайда.

Жоним-жоним деб, жонингни олади.

Зорим бор, зўрим йўқ.

Зоти итпашша бўлиб юз йил яшагандан кўра, лочин бўлиб бир кун яшамоқ минг марота афзал.

Зўр зўрни кўрса, бўйнини қисар.

Икки ёрти бир бутун.

Икки шунқор талашса, бир қарғага ем тушар.

Икки кўчқорнинг боши бир қозонда қайнамас.

Илми йўқнинг кўзи юмуқ.

Илмни меҳнатсиз эгаллаб бўлмас.

Илм олишнинг эрта-кечи йўқ.



Иноқ оилада бешик бўшамас.

Инсон азиз, яшамоқ – лазиз.

Инсон беорзу бўлмас.

Инсон қўли – гул.

Интизомли лашкар енгилмас.

Ип қанча узун бўлмасин, барибир учи топилади.

Исанинг аламини Мусадан олибди.

Ит эгасини танимас, мушук бекасини.

Ит итга буюради, ит қуйруғига буюради.

Итни қопмас деб бўлмас, отни тепмас деб бўлмас.

Ит ҳурар, карвон ўтар.

Ичга ютган дард кишини сил қилади.

Ўзингдан чиққан балога, қайга борурсан давога.

Иш бор ерда ош бор.

Иш бор ерда хато бор.

Иш вақтида – айёр, ош вақтида тайёр.

Ишёқмасга иш буюрсанг, сенга ақл ўргатар.

Ишим битди, эшагим лойдан ўтди.

Ишлаб топганнинг оши лаззатли.

Ишлаганинг менга, ўрганганинг ўзингга.

Ишламаган – тишламас.

Ишнинг боши – бошлагунча.

Ишқ дарди эскиган сари ўткирлашади.

Ишқ йўлида шоҳ ҳам бир, гадо ҳам бир.

Илм эгаси учун – дўст, мол эса душмандир.

Илмни ўғри ола олмайди, молни эса ўғри олади.

Йироқдаги кишнашар, яқиндаги тишлашар.



Йиқилганни устига чиқиб тепма.

Йўл азоби – гўр азоби.

Йўлга чиқсанг – йўлдошинг бўлсин.

Йўқолган пичоқнинг сопи олтин.

Кавушимни олган бир киши, гумондорим минг киши.

Кампир дарди ғозада.

Камтарга – камол, манманга – завол.

Карнайчидан нима кетди? Бир пуф.

Касал ботмонлаб келади, мисқоллаб кетади.

Касални майиз эмас, аччиқ дори тузатади.

Касбнинг ёмони йўқ.

Катта арава қаердан юрса, кичик арава ҳам шу ердан юради.

Катта карвонга катта йўл.

Келмоқ – ихтиёр билан, кетмоқ – ижозат билан.

Кечдан кўра эрта хосиятли.

Кийимнинг янгиси яхши, дўстнинг – эскиси.

Кийимни янгилигида сақла, обрўйингни – ёшликдан.

Китоб – ақл қайроғи.

Кулги умрга умр қўшади.

Кулдан тепа бўлмас.

Кунда келган меҳмоннинг қадри йўқ.

Кунда-кунда ўлгандан, бир кунда ўлган яхшироқ.

Кураш қурбонсиз бўлмас.

Кутганнинг вақти ўтмас, шошганнинг иши унмас.

Кўза келтирган азиз-у, сув келтирган хор-зор.

Кўздан нари – кўнгилдан нари.

Кўз ёши ўтганни қайтармайди.



Кўз юракнинг кўзгуси.

Кўз қаерда бўлса, меҳр ҳам шу ерда бўлади.

Кўнгилдан кўнгилга йўл бор.

Кўпчилик бир муштдан урса – ўлдиради,
Бир бурдадан берса – тўйдиради.

Кўпчиликда ҳикмат бор.

Кўр товуққа ҳар нарса буғдой кўринар.

Кўчада хандон – уйда зиндон.

Лайлакнинг юришини қиламан деб, чумчуқнинг чатаноғи йиртилибди.

Лочин билан йўлдош бўлсанг, ҳунаринг оз бўлади.

Мард – бир ўйлар, номард – юз ўйлар.

Мансабдор мол тўплайди, оқил эса – фазилат.

Мард бўлсанг майдонга чиқ.

Маъшуқ қайда бўлса, ошиқ шу ерда бўлар.

Мақол – ўрнига боқар.

Меъёрни бил ва унинг чегарасидан чиқма.

Мевали дарахтга тош отилар.

Мен сенга асал берсам, сен менга заҳар бердинг.

Меҳмонга ош қўй, икки қўлини бўш қўй.

Меҳнат – меҳнатнинг таги роҳат.

Меҳнатсиз топилган ошдан, меҳнатда топилган тош яхши.

Меҳнат – узоқ умр гарови.

Минг қўшчига – бир бошчи.

Мол оласи сиртида, одам оласи ичида.

Муҳаббат бир сўз, мазмуни дунё.

Мусулмоннинг уйи жаннат боғидан бир боғчадир.

На дон – на сомон.



Номус – ўлимдан ёмон.

Нинанинг кўзидек тешикдан туядек шамол ўтади.

Нонсиз яшаб бўлмас, гапни ошаб бўлмас.

Ношуд кетганда мақтанар, ботир – қайтганда.

Нодон, асосан, ўз хатосидан сабоқ чиқаради,
Сўнг эса, пушаймонлик нонини ейди.

Обрў келса, мисқоллаб келар, кетса – қадоқлаб кетар.

Одамнинг ҳуснига баҳо берма, ақлига баҳо бер.

Одам – одам бўриси эмас, одам дўсти.

Одобни беодобдан ўрган.

Оёқ кийиминг тор бўлса, дунёнинг кенглигидан нима фойда.

Оз бўлсин-у, соз бўлсин.

Оз-оз емак, соз емак.

Оз ошим, ғавғосиз бошим.

Ойда ҳам доғ бор.

Ой тунда керак, ақл кунда керак.

Олдингдагини олти ой қидирасан.

Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ.

Олишда – оромижоним, беришда – чиқар жоним.

Олма пиш, оғзимга туш.

Олма пишса, тагига тушади.

Олмоқнинг бермоғи ҳам бор.

Олтин занғламас.

Олтин-кумушнинг эскиси бўлмас, ота-онанинг баҳоси бўлмас.

Олтин ўтда, одам меҳнатда билинади.

Орзуга айб йўқ.

Осмондан кулча ёғмайди.

Осмон йироқ, ер қаттиқ.



Осмондан чалпак ёққанда.

Олтин олма дуо ол, дуо олтин эмасми.

Онангдан бош товлама, ошмасин дарди,
Шараф тожи эрур оёғин гарди.

Отадан хато келса кўрма хато,
Савоб бил, ҳаттоки қилса хато.

Оламни қуёш, инсонни илм ёритади.

Олдин кулган кейин қизарар.

Сендан угина, мендан бугина.

Сиз сўзингни сенга ўгирма.

Синган кўзани тузатиб бўлмайди.

Силаи раҳимли бўлишни унутма.

Сен менга тегма, мен сенга тегмайман.

Сонда бор, саноқда йўқ.

Сабр – умр хазинаси.

Сўзнинг кудрати ундан таралаётган зиё туфайлидир.

Сабр билан яшаш – анчайин оғир, аммо роҳати бошқача.

Тўғри сўз аччиқ бўлур.

Тўғри сўз туққанингга ёқмас.

Тўйга борсанг тўйиб бор,
Бўз халтангни кўйиб бор.

Тўқликда очликни эсла, бойиганда муҳтожликни.

Тўғрисўзлик ва ҳалол меҳнат кишини хавфнинг ортидаги балодан қутқаради.

Тўғрилик, ҳалоллик, тиришқоқлик, умидворлик, тежамкорлик, меҳнатсеварлик, шахсий ибрат – айнан мана шу етти хислатга амал қилиш – тарбия самарадорлигининг тамал тоши ҳисобланади.

Товуқнинг тушига дон киради.



Тамасиз муҳаббат қалбдан нидо, кўздан ёш чиқазади.

Узумини е, боғини сўриштирма.

Уйинг тор бўлса ҳам, кўнглинг кенг бўлсин.

Уйнинг кўрки дастурхон.

Улуғ бўлсанг кеккайма, ўз халқингга серрайма.

Умр йўлдошингнинг маҳрига боқма, меҳрига боқ.

Уйда аёлинг бўлмаса, ҳузур-ҳаловатинг ҳам бўлмайди.

Умрни иш эмас, ғам емиради.

Уришқоқ хўроз семиз бўлмас.

Фикри равшаннинг сўзи равшан.

Ҳикматни англамоқнинг ўзи ҳикмат.

Ҳар келганни Хизр, ҳар кечани қадр бил.

Ҳар ким ўз баданининг табиби бўлиши керак.

Халқ билан ғазот борсанг, ўлсанг пушаймони йўқ.

Ҳусн – хулқи билан чиройли.

Халқ деган бўлар, якка қолган сўлар.

Халқ иши – ҳақ иши.

Халқ сўзи – денгиз тўлқини.

Хас кам-у, жаҳон пок.

Хато қилмоқ бордир, тузатмаслик ордир.

Хотиним қиз туғди деб хафа бўлма, шернинг эркаги ҳам, урғочиси ҳам шер.

Хотин киши бор уй – давлатдор уй.

Хуфия иш қилгандан кўра, ошкора шапалоқ еган яхши.



Хўроз ҳам: «Мен қичқирмасам, тонг отмайди-я» дер экан.

Чанқоққа бир томчи ҳам – мадад.

Чавандоз отини, яхши эр хотинини қаритмайди.

Чақирилмаган ерга борма, чақирган ердан қолма.

Чивин кўплашса, филни йиқитади.

Чин дўстлар дилига мағриб билан машриқ нима йўл.

Чин дўст – туғишганинг билан тенг.

Чўкаётган чўпга ёпишар.

Чумоли бирлашса, чаён пўстини йиртар.

Эгасини сийлаган итига суяк ташлар.

Эгилган бошни қилич кесмас.

Эзгуликнинг кечи йўқ.

Элга хизмат – олий ҳиммат.

Элга қўшилсанг эл бўласан, элдан ажралсанг ер бўласан.

Элдан айрилгунча, жондан айрил.

Элдан қолгунча эрдан қолган яхшироқ.

Эрни эр қиладиган ҳам, қаро ер қиладиган ҳам хотин.

Энг баланд минора ҳам ердан кўтарилади.

Эр йигит ўзи учун туғилар, эли учун ўлар.

Эринган икки борар.

Эрка тутса онаси, талтаяди боласи.

Эрта турганнинг иши эрта битар.

Эру хотин орасига эси кетган тушар.



Эру хотин уриши – дока рўмол куриши.

Эсарнинг эртаси кўп.

Эскисиз янги бўлмас, ёмонсиз яхши бўлмас.

Эчкининг шохи, отнинг туёғи хавфли, нодоннинг ҳамма ёғи.

Эшагидан тўқими қиммат.

Эшакка мугуз битса, эгасини сузади,
Туяга қанот битса, томингни бузади.

Эшакка эгар ярашмайди.

Эшак миниб туёғини кўргунча, туя миниб узоғини кўр.

Эшакнинг юки енгил келса, ётағон бўлар.

Эшакни яширсанг, ҳанграб шарманда қилар.

Эшакнинг туёғи туяникидек бўлса, тоғни кўтарар.

Эшак семирса, эгасини тепар.

Юзига қарама, билимига қара.

Юз сўм пулинг бўлмасин, юзта дўстинг бўлсин.

Юрган йўлдан топади, ўтирган қайдан топади.

Ялқов билан анқов – душман учун катта ов.

Ямоқ бўлса ҳам эски тўн афзал.

Янги кўзанинг суви тотли.

Яхши билан юрсанг етарсан муродга,
Ёмон билан юрсанг қоласан уятга.

Яхши бузоқ икки онани эмар.

Яхши гап билан илон инидан чиқади.

Яхши гап ҳам, ёмон гап ҳам бир оғиздан чиқади.

Яхшидан боғ қолар, ёмондан доғ қолар.

Яхшиликдан кўра ёмонликнинг оёғи илдам.

Яхшилик қила олмасанг, ёмонлик ҳам қилма.



Яхши меҳмон ош устида.

Яхши одам ой бўлар, ҳар ерга борса жой бўлар.

Яхши от ҳам қоқилади.

Яхши уйга берсанг қизни, сийлай-сийлай султон этар,
Ёмон уйга берсанг қизни, ура-ура ултон этар.

Ўзга юртда шоҳ бўлгунча, ўз юртингда гадо бўл.

Ўз жойида лайча ҳам шер.

Ўзига – хон, ўзига – бек.

Ўзи йўқдек, товуши ўқдек.

Ўзингда йўқ – оламда йўқ.

Ўзинг нобуд бўл, йўлдошингни қутқар.

Ўзинг пиширган ошни айланиб ҳам ичасан, ўргилиб ҳам ичасан.

Ўзинг сув ичадиган қудуққа тупурма.

Ўзинг яхши – ўзга яхши.

Ўз оёғингга ўзинг теша урма.

Ўйламай сойга тушдим, энди менга қир қайда.

Ўйламай қилинган турмуш тўйдан кейин бузилар.

Ўйнаб айтаман-у, ўйимдагини айтаман.

Ўлгандан кейин шоҳ билан гадонинг фарқи қолмас.

Ўлимга тараф йўқ.

Ўт билан ўйнашган ёнар.

Ўттиз тишнинг орасидан чиққан гап,
Ўттиз уруғ элга тарқалар.

Ўқиган эмас, уққан ўрганади.

Ўқиш – жафоли, кети – вафоли.



Қунт билан бир марта ўқи, бекунт – минг марта.

Қазисан-қартасан, ахир аслингга тортасан.

Қайин дарахтининг эгилгани – сингани, эр йигитнинг уялгани – ўлгани.

Қалам – ёзувчи қўлида қилич.

Қалбга қаримоқ йўқ, севгига – ўлим.

Қизгинамнинг боласи – боғимнинг гулоласи.

Қизим сенга айтаман, келиним сен эшит.

Қизи юк кўтарса, онанинг бели қайишади.

Қозиқнинг учи ҳам бўлма, боши ҳам бўлма – ўртаси бўл.

Қозонда бўлса, чўмичга чиқади.

Қочоққа шафқат йўқ, қўрқоққа хурмат.

Қоққанда қозиқ, осганда хурмача йўқ.

Қулоқдан кўз ҳақ.

Қуруқ қошиқ оғиз йиртар.

Қуш уясида кўрганини қилади.

Қуш қаноти учганда чиниқади.

Қўпорилган ғишт ўрнашмас.

Қўрққанга қўш кўринар.

Қўрққанни ажал қувлар.

Қўшнинг кўр бўлса, кўзингни қис.

Қўшоқнинг орасида бўшоқ.

Ғам елдими, эшигингни оч.

Ҳавоси қандай бўлса, навоси ҳам шундай.

Ҳаёт энг яхши устод.

Ҳалво – деган билан оғиз чучимас.

Ҳалвони ҳоким ер, калтакни – етим.



Ҳамма нарсанинг ҳам меъёри бўлади.

Ҳамманинг ҳам кўнглини топиб бўлмайди.

Ҳаракат – ҳаракатдан баракат.

Ҳар бир шоирнинг ўз сози бор.

Ҳар гулнинг ҳиди бошқа.

Ҳар ким ўз кўмочига кул тортади.

Ҳар ким ўз қаричи билан ўлчар.

Ҳар кўнгилнинг ўз мусибати бор.

Ҳар нарса ўз вақтида ярашади.

Ҳар ўрмоннинг ўз тозиси бор.

Ҳар супранинг нони бошқа.

Ҳар ҳунарнинг ўз завқи бор.

Ҳақ ҳамиша ғолиб.

Ҳийла билан арслон тутилар, куч билан сичқон тутилмас.

## Фойдаланилган адабиётлар:

*Зариф Ҳ.* Оталар сўзи – ақлнинг кўзи. – Т.: «Ўздавнашр», 1947.

*Хўжахонов А.* Архив (мақоллар, маталлар, афоризмлар).

*Хўжахонов А., Юсуф Товаслий.* Ҳикматлар хазинаси. – Т.: Адабиёт учқунлари, 2015.

Ўзбекча-русча афоризмлар луғати. – Т.: «Ўқитувчи», 1976, 1986.

*Маҳмудов О.* Фарзанднома. – Т.: Ғ. Ғулом номидаги НМИУ, 2015.

*Адабий-бадиий нашр*

**ОТАЛАР СЎЗИ – АҚЛНИНГ КЎЗИ**

*Ҳикматли сўзлар*

Муҳаррир *А. Зиядов*
Бадиий муҳаррир *Р. Маликов*
Техник муҳаррир *Л. Хижова*
Мусаҳҳиҳ *Г. Арипова*
Кичик муҳаррирлар: *Д. Холматова, Г. Ералиева*
Компьютерда тайёрловчи *Л. Абкеримова*

Нашриёт лицензияси AI № 158, 14.08.2009.
Босишга 2016 йил 22 июлда рухсат этилди.
Офсет қоғози. Бичими 70x90$^1/_{32}$. «Times» гарнитурасида офсет усулида босилди.
Шартли босма табоғи 4,98. Нашр табоғи 4,31.
Адади 3000 нусха. Буюртма № 16-478.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг «O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.
100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz
www.iptd-uzbekistan.uz

**Оталар сўзи – ақлнинг кўзи** [Матн]/
О 86 тўплаб нашрга тайёрловчилар: Ҳ. Зарифов, А. Хўжахонов, А. Хўжахонов. – Тошкент: «O‘zbekiston» НМИУ, 2016. – 136 б.

ISBN 978-9943-28-680-1

**УЎК 398.5**
**КБК 82.3(5Ў)**

Оталар сўзи —
ақлнинг кўзи

«O‘ZBEKISTON»

ISBN 978-9943-28-680-1
9 789943 286801